

## СУБСТАНЦИАЛ-ПРАГМАТИК ЛИНГВИСТИКА ЛИНГВОПРАГМАТИКАНИНГ АЛОҲИДА ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА



**Жавлон ИБРАГИМОВ**  
мустақил изланувчи  
Қарши давлат университети

### Аннотация

Тилни прагматик ўрганиш “мулоқот акти → тил” ёки “тил → мулоқот акти” принципларидан бири асосида иш кўради. Иккинчи ёндашувда тил ўрганиш объекти сифатида намоён бўлади ва у тўла маънода тилшунослик доирасига киради. Янги даврда ўзбек тили эътиборини лисоний имкониятларнинг нутқий вокеланишидаги прагматик омилларнинг ролини очишга қаратмоқда. Бу хусусияти билан ўзбек субстанциал-прагматик тилшунослиги мулоқот тизимини тадқиқ қилувчи жаҳон прагмалингвистикасидан фарқланади.

**Калит сўз ва тушунчалар:** субстанциал-прагматик ёндашув; лингвопрагматика; умумийлик-хусусийлик диалектикаси; илк эмпирик билиш; лисон; нутқ; прагматизм; ўрганиш объекти; прагмалингвистика; имконият ва вокелик дихотомияси.

## СУБСТАНЦИОННО-ПРАГМАТИЧЕСКАЯ ЛИНГВИСТИКА КАК ОТДЕЛЬНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ЛИНГВОПРАГМАТИКИ

**Жавлон ИБРАГИМОВ**  
соискатель  
Каршинский государственный университет

### Аннотация

Изучение языка с точки зрения прагматики основан на один из принципов «речевая деятельность → язык» или «язык → речевая деятельность». Во втором подходе, объектом исследования является язык, неотемлемая (сущностная) часть лингвистики. В новой эпохе развития узбекский язык концентрируется на раскрытии роли прагматических факторов при применении языковых возможностей в речевой деятельности. Именно эта особенность отделяет узбекскую субстанционнопрагматическую лингвистику от мировой лингвопрагматики, которая в основном изучает систему коммуникации.

**Ключевые слова:** субстанционнопрагматический подход; лингвопрагматика; диалектика всеобщего и единичного; первичное эмпирическое знание; язык; речь; прагматизм; объект изучения; прагмалингвистика; дихотомия; возможности и реальность.

## SUBSTANCE-PRAGMATIC LINGUISTICS AS A SEPARATE DIRECTION OF LINGU-PRAGMATICS

**Zhavlon IBRAGIMOV**  
Independent researcher  
Karshi State University

### Abstract

Pragmatic learning of the language is based on one of the principles of "communication → language" or "language → communication". In the second approach, the study object is a language and it is literally a part of the linguistics. In the new era, the Uzbek language focuses on the role of pragmatic factors in the spatial realities of linguistic possibilities. With this feature Uzbek substance-pragmatic linguistics differs from the pragmatic linguistics of the world, which explores the communication system.

**Keywords:** substance-pragmatic approach; linguopragmatics; general-specific dialectics; first empiric knowledge; language; speech; pragmatism; object of study; pragmalinguistics; dichotomy of chance and reality dichotomy.

Ўзбек тилига субстанциал-прагматик ёндашувнинг вужудга келиши фан ўзининг янги эмпирик босқичига кадам қўяётганлигини кўрсатади. Ёндашувнинг эмпириклиги шунда намоён бўладики, у тикланган лисоний имкониятларнинг нутқий вокеланишини умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида текширади. Илк эмпирик билиш босқичида ўрганиш объекти "хусусийликдан умумийликка" принципи асосида, "нутқ→лисон" йўналишида тадқиқ этилган бўлса, иккинчи эмпирик босқич ўрганиш манбаига "лисон→нутқ" принципи асосида муносабатда бўлади. Бу йўналиш фактларни тўплаш, саралаш ва уни назарий умумлаштириш учун тайёрлаш вазифаси билан шуғулланувчи бирламчи абстракция босқичидан назарий хулосаларни амалиётда синаб кўриш, назарияни тасдиқловчи амалий фактларни излаш ва илмий талқин қилиш билан шуғулланади. Тилшунос Б. Менглиев таъкидлашича, субстанциал-прагматик ёндашув ўзбек фанида шаклланаётган тилшуносликнинг янги эмпирик йўналиши сифатида лисоний имкониятларни муайян сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабати ҳамда реал мулоқот вазияти сингари нолисоний ходисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шахснинг лисоний имкониятдан амалий фойдаланиши эса сўзловчи ҳамда тингловчи хусусияти, нутқ мақсади, нутқ турлари, шакли, нутқий стратегия ва тактика каби қатор нолисоний омиллар билан яхлитликда намоён бўлади (1).

Прагматика тилшуносликда, ва, умуман фанда, янгилик эмас. Шўро адабиётларида буржуа манфаатларига мос индивидуализмни ёқловчи фан оқими сифатида тавсифланган прагматика тилшуносликка фалсафа орқали

кириб келган. Маълумки, гарчи структур тилшунослик ўтган асрнинг 20–30-йилларида алоҳида йўналиш сифатида эътироф этилган бўлса-да, унинг дастлабки куртаклари қадимги ҳинд тилшунослигида, хусусан, мумтоз тилшунос Панини асарларида, ўрта асрлардаги универсал грамматикаларда, Р. Декарт ва Г.В. Лейбницнинг фалсафий-лингвистик грамматикаларида учраганлиги каби прагматик ёндашув ҳам тилшунослик билан қарийб тенгдошдир. Бироқ янги даврда прагматик ёндашув бошқа йўналишларга нисбатан фаоллашди. Бугунги кунда ғарбда прагматика бир замонлардаги структурализм каби кенг миқёсда урф бўлди. Чунки ҳар бир ҳодисага реал воқелик билан боғлиқ равишда муносабатда бўлиш даврнинг ўткир муаммоларига жавоб беришнинг энг қулай ва истиқболли йўллари билан биридир.

Прагматизм фалсафий оқим сифатида XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда шаклланган ва тараққий этган. У кишиларнинг турмуш тарзига, мамлакатнинг маънавий ҳаётига, ижтимоий онига кучли таъсир кўрсатган ва кўп ҳолларда анъанавий фалсафани таҳрир қилиш йўлидан борган. Прагматизм классик назарий фалсафани ҳаётдан узилиб қолганликда, қуруқ назариябозликдан иборатликда, воқеликни четдан кузатувчи ва унга бевосита аралашмайдиган пассив таълимот сифатида баҳолаган. Прагматиклар классик фалсафани борлиқ ва билишнинг илк асосларини идрок этиш билан чекланиб қолганликда айблашади. Асл фалсафа кишиларнинг, жамиятнинг олдида кўндаланг бўлиб турадиган, турли ҳаётий вазият, фаолият жараёнида дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилиши керак, деган ғояни илгари сурадилар. Умуман олганда, прагматиклар амалиётда инсонга нима кўпроқ фойдали бўлса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, инсон ҳаёти билан боғланмайдиган хулосалар билан шуғулланиш фойдасиздир, деган қараш тарафдоридирлар(7, 164–165). Шу боисдан у шўро ижтимоийётида буржуа, индивидуалистик фалсафий оқими сифатида баҳоланган. Прагматикларнинг уқтиришича, ҳар қандай назария дунёқарашни бирор кишига фойдали бўлган тақдирдагина ҳақиқат деб ҳисоблаш мумкин (5, 43).

Янги давр прагматикада ижобий томонларни ҳам кўриш методологиясини вужудга келтирди. Шу боисдан прагматизм ғоялари барча фанлар қатори тилшуносликка ҳам кириб келди ва дастлаб семиотика соҳасида иш кўрган бўлса, бугунги кунда тил илмининг бошқа соҳаларини ҳам забт этмоқда. Умуман олганда, “прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида камраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти

орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро муносабати, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради. Прагматика ғоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, информацион-қидирув тизимлари ва бошқаларни ишлаб чиқишда қўлланади” (7, 164–165).

Бугунги кунда прагматизмга холис ва объектив ёндашув, ҳар қандай “-изм”лар изнисиз муносабат шаклланмоқда. Хусусан, ижтимоий тараққиётга радикал ёки консерватив муносабатлар оралиғидаги ўринни эгаллайдиган, ҳар иккаласидан ҳам устун турадиган, улардаги айрим оқилона қоидалар ва фикрларни реал борлиқ талабига кўра ижодий ўзлаштирадиган, аммо оралиқ ҳолатни эгаллаши билан бирга, ҳар икки ёндашувнинг қарашларини механик равишда қориштирмайдиган, лекин жамият ва инсон манфаатларидан, реал ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган прагматизм ижтимоий ҳаётда “ҳар бир масалага, шу жумладан, давлат сиёсатини белгилашда амалий ижобий натижага эришиш, турли догматик мафкуравий қолиплар, андозалар ёки ғирт хаёлпарастликдан иборат сароб орзу-истаклар ва популистик янгиликлар нуқтаи назаридан эмас, балки аниқ ҳамда реал мақсадларни кўзлаб, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, оқилона ёндашишдир” (7, 164–165). Демак, прагматизм тараққиётни “фалаж” ҳолатига тушириш мумкин бўлган радикализмни ҳам, эски тутумларга ёпишиб оладиган, тараққиёт оёқларига кишан бўладиган консерватизмни ҳам фалсафий маънода инкор қилади ва “яшноқ ҳаёт дарахти” сифатида ривожланади.

Прагмалингвистика учун ўрганиш объекти сифатида мулоқот вазияти танланганлиги бежиз эмас. Чунки у – реал ҳодиса. Ҳар қандай бошқа ҳодисалар каби мулоқот вазияти ҳам серқирралиги билан характерланади. У турли қирралари билан турли тизимларга киришини, бу эса, ўз-ўзидан, уларга турлича ёндашувни тақозо қилади. Лекин бу қирраларнинг намоён бўлиш даври, шароити турлича бўлиши ҳам, шунга мувофиқ равишда, тадқиқ майдонига, ижтимоий заруратга кўра, барча қирраларини тортиш мумкин эмаслиги ҳам аён. Шу маънода айтиш мумкинки, мулоқот ҳам тилнинг ўзи каби полифункционал бўлиб, бир фан доирасида унинг барча жиҳатларини камраб олишнинг имкони йўқ. Бугунги кунда шу сабабли прагматика тилшунослик ёрдамига эҳтиёж сезмоқда, уни “ёллаш” чораларини кўрмоқда. Шу маънода тилдан узилиб, ўрганиш объектини прагматик муаммолар

доирасидан қидираётган тилшуносларни маълум маънода прагматикадаги “гастарбайтер”ларга қиёслаш мумкин.

Барча прагмалингвистларнинг қарашларини умумлаштирига ҳолда айтиш мумкинки, уларнинг озчилиги тил бирликларининг функционаллашувини нутқ вазияти билан боғлиқ равишда тадқиқ қилишни прагмалингвистиканинг ўрганиш предмети сифатида эътироф этадилар. Аммо аксарият тадқиқотчилар коммуникатив фаолият ва мулоқот категориясини прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти сифатида эътироф этадилар. Мулоқот жараёнида лисоннинг “кўприк” вазифасини ўташи тан олиниб, фақат шу нуқтаи назардан унга муносабатда бўладилар ва тил коммуникатив муҳит, коммуникатив мақсад, коммуникатив вазият, коммуникатив мулоқот, лисоний шахс категориялари “соя”сида қолиб кетади. Лекин лингвопрагматика ва прагмалингвистикани маълум даражада фарқлашга интилган тилшунос Ш. Сафаров қарашларида нисбатан тилшуносликка ён босиш кўзга ташланади: “прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. Ушбу қоидалар коммуникация шарт-шароитларига нисбатан, кенг маънодаги контекст сифатида ўрганилади. Лисоний ҳодисаларнинг бу йўсиндаги таҳлили уларнинг қўлланишидаги у ёки бу муҳитда мавжуд бўлган тўсиқлар, чегараланишларни ҳам аниқлашга имкон беради” (4, 76).

Тилни прагматик тадқиқ қилиш тилшунослик соҳасими ёки прагматика соҳасими деган саволнинг қўйилиши маълум даражада масалани жўнлаштиригандек бўлади, аслида, ана шу соддаликда ҳақиқатга элтадиган, муаммо ечимини белгилайдиган ҳолат мавжудлигини кўриш мумкин. Зеро, субстанциал-прагматик йўналиш тил имкониятларидан келиб чиққан ҳолда масалага ёндашар экан, у асосий диққатини субстанциал асосларда тикланган лисоний умумийликларга қаратади ва таҳлилни амалга ошириш жараёнида муаммога лисон орқали кириб келади. “Нутқий воқеликни лисоний имкониятдан узилган ҳолда тадқиқ қилиш тавсифий характерга эга; у фаннинг амалий самарадорлигини таъминламайди. Шу боисдан ўзбек тилшунослигида нутқий воқеликни лисоний имконият асосида тадқиқ қилиш, она тили дарсларида ўқувчиларнинг мулоқот кўникма ва малакаларини, нутқ маданиятини ўстиришга хизмат қиладиган лингвистик таъминотни яратишни субстанциал-прагматик йўналиш ўз зиммасига олади” (1).

Демак, айтиш мумкинки, эътиборни прагмалингвистика (яъни прагматик лингвистика)нинг анъанавийлашган ўрганиш объекти бўлган мулоқот фаолияти, жараёни ва тизимдан лисоний имкониятларга ўтказиш тўла маънода лингвопрагматика (яъни лингвистик прагматика)нинг прагматикадан мустақиллигини таъминлайди ва унинг субстанциал лингвистиканинг вориси сифатидаги мақомини таъминлайди. Ўзбек субстанциал лингвистикасининг асосчиларидан бири Х. Неъматов ва вакилларидан бири Д. Йўлдошеванинг ҳақли эътироф этишларича, “илмий йўналиш ижтимоий зарурат, қатъий мақсад, онгли (уқилган), изчил амал қилинадиган методологик тамойиллар ва аниқ тадқиқий методлар заминиди шаклланар ва ривожланар экан, унинг юксак муваффақиятларни қўлга киритишини, жамият тараққиёти силсиласида маълум тарихий ўрин эгаллашини хайрихоҳлик билан башорат қилиш мумкин” (2).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасидаги кескин ўзгаришлар асосидаги тараққиёт натижасида тил сиёсати ҳам тўла маънодаги эврилишлар майдонига айланди. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун бу сиёсатнинг таянч методологик асоси сифатида намоён бўлди. У тўла маънода тил сиёсати, илми ва таълими тараққиётининг истиқболларини белгилаб берди. Асрлар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларнинг ечими эса, тараққиёт тақозосига кўра, олдимизга янги-янги вазифаларни ҳам қўймоқда. Зеро, “биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур” (1, 87). Она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтиришнинг марказида эса ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш туради. Чунки “баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини кўшиб гапириш ҳолатлари ҳам учраб туриши бу масаланинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади” (1, 89). Кўринадики, давр тил сиёсати ва маърифати масаласида янги-янги вазифаларни олдимизга қўймоқдаки, уни ижтимоий буюртма сифатида қабул қилишимиз, тадқиқ методологияси, методикаси ва методларини ушбу буюртма талабларига мувофиқ тарзда уйғунлаштиримиз зарур.

Маълумки, фанларнинг, илмий билишнинг ривожини узлуксиз ва узвий занжирсимон кўринишда бўлади. Бу занжир эса *эмпирик ёндашув* → *назарий*

*ёндашув* → *эмпирик ёндашув* → *назарий ёндашув* →.... бўғинларидан борат бўлади (3). Ўзбек тил илми бугунги кунда ўзининг иккинчи эмпирик босқичига кадам қўймоқда. Формал ёндашув ўрнида рационал билиш устувор бўлган, мақсади тил бирликларининг имманент имкониятларини аниқлаш бўлган субстанциал тилшуносликдан кейин навбат яна эмпирик таҳлил усулларига келди (3).

Ўзбек тилшунослигининг илк эмпирик босқичи ижтимоий-маърифий буюртмани ўз зиммасига олган эди. Ўтган асрнинг 50-60-йилларига келиб бу ижтимоий буюртма адо этилганлиги, фаннинг ўзи эса маълум муддат турғунлик ҳолатига тушганлиги, унда анъанавийлик ҳукм сураётганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган эди (3).

Турғунлик тараққиётнинг, анъанавийлик эса янгиликларнинг дояси дир. Ўзбек формал тилшунослигидаги бу ҳолат фаннинг янги уфқларини очишга хизмат қилди. Аниқ анланган ижтимоий буюртма, мақсад, тўғри белгиланган методология, самарали тадқиқ методларини ишга солиш натижасида қисқа муддат мобайнида кўзланган натижага эришилди (2). Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилшунослиги ўзининг назарий босқичидаги илмий муаммоларни, умуман олганда, ҳал қилган, тадқиқотларнинг рационал мағзи она (ўзбек) тили таълими мазмунидан тўлақонли ўрин олган эди. Фан даврдан, ижтимоий эҳтиёжлардан бир кадам олдин юрган дагина у тараққиёт омилига айланади, унинг ривожлантирувчи ричаги вазифасини бажаради. Ўзбек тилшунослиги ҳам янги давр, янги асрдаги ижтимоий эҳтиёжларни тўла ҳис қилди. Зеро, она тили таълими олдида улкан миллий-маърифий-таълимий вазифа турар эдики, унинг учун тилшунослик лингвистик таъмин ҳозирламоғи зарур эди. Зеро, мустақиллик тотли неъмат бўлиш билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Бир вақтлар тилга фақат “алоқа-аралашув воситаси” сифатида тор, сийқа ёндашиллар, ундай полифункционал ҳодисанинг бир қирраси эътироф этилиб, қолган “тўқсон тўққиз” жиҳати эътибордан четда қолар эди. Ахир, “ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади” (2). Бежиз миллатпарвар жадид Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёдаги борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” демаган эди. Эътибор қилинса, юқоридаги олинмаларда қайд этилган тилнинг нафақат алоқа-аралашув воситаси эканлиги, балки ўзликни англаш воситаси, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқ омили, миллатнинг

руҳи, ойинайи ҳаёти эканлиги унинг асосий хусусиятларидир. Бироқ унинг яна кўплаб хусусиятлари ҳам борки, уларни ҳар бир давр, миллат маънавий тараққиётининг муайян босқичи кун тартибига долзарб муаммо сифатида кўндаланг кўяверади. Бу хусусиятларни тадқиқ қилиш, илмий ўрганиш миллий такомиллашув давримизда янада аҳамиятлидир. Зеро, ўқувчиларнинг фикрни баён қилишда тилдаги кўплаб йўл, усул, восита ва имкониятлардан ҳар бир ҳолат учун мувофиғини танлаш ва мақсад, нутқ шароити, вазиятидан келиб чиққан ҳолда ким билан, қандай ҳолатда сўзлашаётганлиги каби нозикликларни ҳисобга олиб, энг мосини қўллаш кўникмаларини шахсий одатга айлантириш жараёнини тадқиқ қилиш долзарбдир (3). Шўролар дидактикаси эса тилнинг бу имкониятларини таълим жараёнида четлаб ўтар, унинг фақат алоқа-аралашув воситаси сифатидаги хусусияти таълимига зўр берар, таълим усул ва воситаларини шунга йўналтирар эди. Бугунги она тили таълими тизими ушбу аспектда ривожланаётганлиги, ўқувчиларнинг прагматик компетенциясини ривожлантириш тил ўқитиш тизимини ислоҳ қилишнинг асосида турганлиги ҳам бежиз эмас. Даврнинг шафқатсиз талаби бозор муносабатлари шароитида мустақил ижодий фикрлайдиган, тадбиркор шахсни вояга етказишни талаб қилаётган экан, бунда она тили таълими етакчи мавқеда бўлиши табиий ҳол. У эса прагматик тадқиқотлар самарадорлигини оширишни тақозо этади. Она тили таълимининг бугун ДТСларида қонунийлаштирилган когнитив-прагматик технологияси талабларининг лингвистик таъминини тайёрлаш, тил имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлиги механизминини ишлаб чиқиш мутлақо кечиктириб бўлмайдиган муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Демак, давр тилшуносликдан ўз ўрганиш объектига прагматик ёндашувни тақозо қилмоқда.

Тил ҳодисаларига прагматик ёндашув тилшуносликнинг ўзи қадар қадимий. Илк тилшунослик намуналари амалий, прагматик аҳамиятга эга бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда тил илми соф амалий кўринишда эди. Бой маданий мерос, ёзма ёдгорликлар муттасил ўзгаришга учраб, уларни тиклаш ижтимоий заруратга айланган. Натижада олимлар эрамиздан 45-25 асрлар илгари ёзилган ведаларни, эрадан аввалги биринчи минг йилларда ёзилган санскрит ёдномаларини текшириб, таҳлилини амалга оширишган. Луғатлар тузишган, матнларни фонетик ва морфологик таҳлил қилишган. Бундай ишлар ўша ёдгорликларнинг унутилган, бузилган, шунингдек, жонли тил (практик) таъсирида ўзгариб кетган ўринларини қайтадан тиклаш имконини беради. Шу тариқа сўз ёки сўзшакллар амалда бирламчи



унсурларга (морфемаларга) ажратилган. Ҳинд олимлари грамматикани *вьякарана*, яъни “ажратиш” деб атаганлар (6). Ҳар бир тил ҳодисасига матндан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишган. Матний таҳлил эса ёзма нутққа прагматик, амалий ёндашувнинг муҳим кўринишларидан биридир. Бундай ҳукми тилшуносликнинг кейинги даври босқичлари ва йўналишларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Зеро, лисоний структурани тиклаш билан машғул тилшунослар хусусий ҳоллардан умумийликлар сари боришган, муайян нутқ вазиятига хос ҳодисаларни умумлаштирган бўлсалар, қиёсий-тарихий ёндашувда ҳам тил ҳодисалари, лисоний далиллар муайян матн ёки гапдан узилган ҳолда тавсифланмаган. Бироқ нутқ вазиятига боғлиқ ҳолатларни бўрттириш, муайян нутқ вазиятига устуворлик бериш, уларнинг аҳамиятини кучайтириш фақат замонавий прагматик ёндашувга, прагматик таҳлил усулига хосдир.

Замонавий прагматик ёндашув лингвистик соҳада икки кўринишда бўлиши маълум:

- мулоқот вазиятини ўрганиш объекти сифатида танлаш;
- лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишини прагматик вазият билан узвий алоқадорликда ўрганиш.

Шу нуктаи назардан прагматик йўналишнинг тадқиқ объектига икки хил ёндашув тамойили юзага чиқади:

- а) мулоқот системаси → лисоний система;
- б) лисоний система → мулоқот системаси.

Биринчи тамойилга кўра, тадқиқ объекти сифатида мулоқот системаси, тадқиқ предмети сифатида эса лисоний система намоён бўлади. Тилшунослик учун эса ҳеч қачон мулоқот системаси ва лисоний система зиддиятида мулоқот системаси тадқиқ объекти сифатида биринчи даражали аҳамият касб этиб, лисоний системанинг ўрни иккинчи планга туширилиши мумкин эмас. Прагматик ёндашувнинг иккинчи кўриниши янги ва мустақил лингвистик парадигма сифатида ўзбек тилшунослигида эндигина шаклланмоқда.

Ўзбек тилшунослиги субстанциал босқичининг якуни у эришган ҳулосаларни прагматик аспектда текширишни тақозо қилмоқда. Яъни тил субстанциал имкониятларининг прагматик талқини ижтимоий эҳтиёждир. Шу маънода тилда имконият ва воқелик муштарақлиги тадқиқи билан шуғулланувчи ўзбек субстанциал-прагматик тилшунослиги ижтимоий эҳтиёж мевасидир. Шу маънода тилшунослар Ҳ. Неъматов ва Д. Йўлдошевларнинг мақоласига ҳавола берамиз: “Таъкидлаш керакки,

Ўзбек субстанциал-прагматик тилшунослиги Европада ривожланган прагматизм (ва прагмалингвистика) дан тубдан фарқ қиладиган ва тез орада унга ўзи ишлаб чиққан илмий тушунчаларни кирита оладиган бўлади. ... Бошқача қилиб айтганда, дунё прагмалингвистикаси оддийгина нутқий мулоқот жараёнини бевосита самарадорлик нуқтаи назардан ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ўзбек субстанциал-прагматизми – очилган ва тавсифланган имкониятлар хазинасидан келиб чиқади” (3).

Шу маънода айтиш мумкинки, “субстанциал-прагматик ёндашув ўзбек фанида шаклланаётган тилшуносликнинг янги эмпирик йўналиши сифатида лисоний имкониятларни сўзловчи, тингловчи, уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабати, мулоқот вазияти сингари нолисоний ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Шахснинг лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиши сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий сифатлари, нутқ мақсади, унинг турлари (ошкора ёки яширин), шакллари (хабар, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, саломлашиш, сўрашиш, хайрлашув, узр, табрик, шикоят кабилар), нутқ стратегияси ва тактикаси, нутқ одоби, мулоқот маданияти, сўзловчи ёки тингловчининг дунёқараши, билим даражаси, қизиқишлари каби қатор нолисоний омиллар билан муштарак ҳолда юзага чиқади” (2) Тилни имконият ва воқелик дихотомияси сифатида тадқиқ қилиш бевосита амалий аҳамиятлилиги билан характерланади.

Ўзбек тилшунослигида субстанциал-прагматик йўналиш шаклланиши ижтимоий зарурат экан, унинг назарий пойдеворини, методологик асосларини монографик йўсинда тадқиқ қилиш, келгусида бажарилажак тадқиқотлар учун илмий ва амалий тавсиялар бериш ўта долзарб масала ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Менглиев Б. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат”, 2013 йил, 15 май.
3. Неъматов Ҳ., Йўлдошева Д. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат”, 2013 йил, 14 август.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. – 286 б.
5. Ўзбек совет энциклопедияси. 14 томли. 9-том. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1977.
6. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 171 б.
7. ЎзМЭ. 7- том. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.
8. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2011. – 312 б.